Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

# O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Строитель Узбекистана

№66 (415)
2020 йил 25 август, сешанба

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz

## СЕН – ҚУДРАТ МАНБАИ, САОДАТ МАСКАНИ, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!

## Шоҳимардон обод масканга айланмоқда



**Фарғона туманидаги Шоҳимардон қишлоғи денгиз сатҳидан 2500-2700 метр баландликда жойлашган бўлиб, тўрт тарафи тоғ билан ўралган. Бу ернинг тонги янада мафтункор.**

Тоғ ортидан бош кўтарган қуёш атрофни қиздира бошлайди. Кўчалар эса янада тароватли. Тоғ одамлари бағрикенг, самимий, меҳнаткаш. Шоҳимардонликлар давлатимиз раҳбарининг меҳри ҳамда эътиборини ҳамиша ҳис этиб турганини боис бугун ҳеч ким ҳаётнинг катта, жўшқин оқимидан четда эмас.

Сўнгги йилларда бу мўъжаз қишлоқ мутлақо янгича чирой очди. Сайёҳлар учун ўнлаб дам олиш уйлари, кемпинглар, меҳмонхоналар қурилди. Хизмат кўрсатиш билан боғлиқ иншоотлар фойдаланишга топширилди. Кўчаларга асфальт ётқизилиб, ичимлик суви қувурлари тортилди. Табиати гўзал, ҳавоси шифобахш, одамлари самимий ва меҳмондўст Шоҳимардон ва Ёрдон қишлоқларининг янги истиқболи бундан-да файзлидир.

Фарғона вилояти ҳокими Шуҳрат Ғаниев вилоят бошқарма, тегишли ташкилот раҳбарларидан иборат ишчи гуруҳи билан Шоҳимардонда бўлди. Ишчи гуруҳ билан биргаликда 2019 йил 3 октябрдаги «Фарғона вилоятининг туристик салоҳиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳукумат қарорининг ижросини таъминлаш масалалари таҳлил қилинди.

*(Давоми 2-бетда)*

## Аҳолининг уй-жой шароитини яхшилашда банкларнинг иштироки ортмоқда

**Мамлакатимиз аҳолисининг уй-жойга муҳтож қатламини доимий равишда қўллаб-қувватлаш борасида молия муассасаларининг ўрни ва роли катта. Бу жараёнда АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» ўзининг бир қатор кредит хизматларини тақдим этиб келмоқда. Банк бошқаруви ва тегишли таркибий тузилмалар масъуллари, ОАВ ходимлари иштирокида ўтказилган навбатдаги матбуот анжуманида шулар ҳақида атрофлича маълумотлар беришди.**




*Батафсил 2-саҳифада.*



## ЯНГИ МАРКАЗ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

**Жорий йилнинг 20 август куни «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ томонидан Тошкентда Электр энергиясини ҳисобга олишни автоматлаштириш маркази фойдаланишга топширилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.**

Тадбирда нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари, вазирлик ва энергетика соҳаси ходимлари иштирок этишди.

«Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ, Жанубий Кореянинг «KT Corporation» компанияси ҳамда Осиё тараққиёт банки (ОТБ) ҳамкорлигида амалга оширилган мазкур лойиҳа мамлакатимизда энергетика соҳасини янада ривожлантириш, хусусан, электр энергия таъминотида инновацион технология ва ечимлардан фойдаланиш имконини кенгайтиргани билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 октябрдаги «Электр энергетикаси тармоғини жадал ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, 2021 йил июль ойига қадар республика бўйлаб 7,4 миллиондан ортиқ истеъмолчиларнинг барчаси электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига уланиши кўзда тутилган.

Айни кунларда «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ томонидан «Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (АСКУЭ)ни жорий этиш ишлари изчиллик билан олиб борилаётганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Тадбир иштиркочилари Электр энергиясини ҳисобга олишни автоматлаштириш маркази ҳақидаги тақдимотлар билан яқиндан таништирилди.

«Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ бошқаруви раиси Улуғбек Мустафоев журналистлар билан мулоқоти чоғида таъкидлаганидек, илгарилари электр энергияси учун ҳақ тўлаган ёки, аксинча, тўловни амалга оширмаган истеъмолчилар баравар электр таъминотидан ажратилган. Мазкур тизимга тўлиқ ўтилгач эса фойдаланилган электр энергияси учун тўловни амалга оширган одамнинг уйида ҳеч қандай электр узилиши бўлмайди.

– Худди чўнтагингиздаги телефон алоқаси сингари, яъни мобил компаниясига маблағ ўтказган бўлсангиз, телефонингиз ишлайди, пули тугадими – ўчади. Бу, ўз навбатида, қарздорликларни камайтиришга хизмат қилади, яъни дебитор қарздорлик ўз-ўзидан йўқолади, – деди у. – Ҳамкорларимизга келсак, маълумки, Жанубий Корея киберхавфсизлик бўйича дунёда етакчи ўринларни эгаллайди. Шуларни ҳисобга олган ҳолда ҳамкорлик учун тендер асосида айни шу мамлакатни танлаганмиз.

Жанубий Кореянинг «KT Corporation» компанияси томонидан ушбу марказга Корея, Хитой, Сингапур ва АҚШ каби дунёнинг етакчи давлатларида ишлаб чиқарилган сервер қурилмалари олиб келингани, ўрнатилган дастурий таъминот 8,0 миллион истеъмолчини улашга мўлжалланган бўлиб, келгусида истеъмолчилар сонини 20,0 миллионга етказиш имконияти мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

*(Давоми 2-бетда)*




SHIVAKI
www.shivaki.uz

- Chillerlar va fankoyllar
- Kanalli konditsionerlar
- Issiqlik rekuperatsiyasiga ega VRF tizim
- Multi-split tizim
- Havoni qayta ishlovchi qurilma
- (AHU pritochkasi)
- 1*1 kassetali konditsionerlar
- Monoblok sovutish tizimlari va split
- Sovutish tizimlari
- Ventilyatsion tizimlar diffuzori

BEPUL LOYIHALASHTIRISH

+99871 202-22-20 +99899 010-00-30

Реклама

O'ZBEKISTON BUNYODKORI СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№66 (415) 2020 йил 25 август

# ЯНГИ МАРКАЗ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ



(Давоми. Боши 1-бетда)

«KT Corporation» компанияси ва «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ ўртасида 2019 йил январь ойида электр энергиясини ҳисобга олишни автоматлаштириш маркази ташкил этиш бўйича қўшимча келишув битими имзоланиши ана шу мақсад йўлида қўйилган дадил қадам бўлди. Ўтган йилнинг ноябрь ойига келиб келишув доирасида молиявий ҳамкор – ОТБ вакиллари иштирокида марказ биносининг ички қисмини тўлиқ реконструкция қилиш ва сервер қурилмаларини ўрнатиш орқали объектни ҳудудлардаги электр энергияси ҳисоблагичлари маълумотларини қайта ишлаш республика ягона марказига интеграция қилиш ишлари бошланган эди.

– «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ муҳандислар жамоаси ва мазкур лойиҳани амалга оширишга ҳисса қўшган барча ўзбекистонлик ҳамкорларимиз билан 20 ой давомида биргаликда ишладик, – деди «KT Corporation» компанияси вице-президенти, лойиҳа бош пудратчиси Ли Хансуп. – Айниқса, пандемия давридаги мураккаб шароитларда жипслашиб, ҳар томонлама бир-биримизни қўллаб-қувватлаганимиз умумий муваффақиятни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу марказ ўзбек халқи фаровонлигига хизмат қилиши баробарида соҳага замонавий технологияларни жорий этиш, республикада рақамли иқтисодиётни ривожлантириш орқали халқаро миқёсда ҳам ўзининг муносиб ўрнини эгаллаши шубҳасиз. Зеро, бунинг учун Ўзбекистонда барча имконият, шароит мавжуд.

Тадбирда шунингдек, Электр энергиясини ҳисобга олишни автоматлаштириш марказида республика, вилоят, туман (шаҳар) ва маҳаллалар кесимида электр энергияси истеъмолчиларининг маълумотлари сақланиши, шу билан бир қаторда дастурий таъминот орқали электр энергиясининг соатлик, суткалик, ойлик ва йиллик балансларини шакллантириш, кўп тарифлик тизимида ҳисоб-китобларни амалга ошириш имкони мавжуд экани қайд этилди. Бундан ташқари, қарздор истеъмолчиларни тўлиқ автоматик равишда ўчириш ва сарф қилинган электр энергияси учун тўлов амалга оширилгандан сўнг қайта ёқиш, масофадан туриб электр ҳисоблагичларни қайта дастурлаш, истеъмолчилар ҳисоблагичларидан олинган маълумотларни қайта ишлаш ҳамда энергетика тизимини назорат қилиш каби вазифаларни амалга ошириши тақдимотлар орқали тушунтириб ўтилди.

Таъкидлаш жоизки, аввалги дастурдан фарқли равишда ушбу дастурий таъминотга энергообъектларни (нимстанциялар, электр станциялар) ҳам улаш имкони яратилади. Бугунги кунда Бухоро, Самарқанд ва Жиззах вилоятларида кичик марказлар қурилган бўлиб, Самарқанд вилоятидаги сервер захира (Back-up) сифатида фойдаланишга топширилди.

**Маълумот ўрнида**: ҳозирга қадар республикамизнинг 70 дан ортиқ туман ва шаҳарларида 3,6 миллиондан зиёд истеъмолчи хонадонларига замонавий электр ҳисоблагичлар ўрнатиб берилди. Таҳлил натижалари ушбу тизимнинг синов лойиҳасини амалга ошириш давомида истеъмолчилардан фойдаланилган электр энергияси учун ҳақ тўлаш даражаси 99 фоизгача ўсганини кўрсатди.

**Дилфуза ҲАБИБОВА,**
**«O`zbekiston bunyodkori» мухбири.**

# «Деҳқонобод калий заводи» – 10 ёшда

**«Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи соҳаларидан бири бўлиб, унинг тизимидаги «Деҳқонобод калий заводи» акциядорлик жамияти томонидан илк маҳсулот ишлаб чиқарилганига 10 йил тўлди.**

Ўтган қисқа даврда завод ишчи-мутахассисларининг самарали меҳнатлари туфайли Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманида ривожланган ижтимоий инфратузилмани ўзида мужассам этган, нафақат юртимиз, балки чет элда ҳам ўз ўрнига эга бўлган замонавий ишлаб чиқариш мажмуаси шаклланди. «Тепақўтон» калийли туз кони негизида «Деҳқонобод калий заводи» акциядорлик жамиятининг ишга туширилиши мамлакатимиз саноатида муҳим воқелик бўлиб, кўплаб янги иш ўринлари яратилди. Заводнинг тоғ-кон мажмуаси қурилиши 2008 йилда «Тепақўтон» калий тузлари конини очиш ва тайёрлаш ишларидан бошланиб, дастлаб кон ишларини олиб бориш учун 1- ва 2-қия стволлар очилганди. Сўнгра руда қазиб чиқариш ишларини амалга ошириш учун панеллар тайёрланган ва панелли қазиб олиш тизими йўлга қўйилган.

2010 йилнинг апрель-май ойларидан бошлаб «Тепақўтон» калийли туз конида сильвинит рудасини шахта усулида қазиб чиқариш амалга ошириб келинмоқда. Таъкидлаб ўтиш жоизки, тоғ-кон мажмуаси сильвинит рудасини қазиб олиш бўйича Марказий Осиёдаги энг тез ишга туширилган шахта ҳисобланади. Ҳозирги кунда тоғ-кон мажмуасида сильвинит рудасини қазиб олиш ишлари тўлиқ маҳаллий мутахассислар томонидан амалга оширилмоқда.

Корхона тоғ-кон ва қайта ишлаш мажмуаларидан иборат бўлиб, тоғ-кон мажмуасидан 2,1 млн тонна руда қазиб олиш ва уни қайта ишлаш мажмуасида бойитилиб, 600,0 минг тонна тайёр калий хлорид ишлаб чиқариш лойиҳавий қувватларига эга. «Деҳқонобод калий заводи» АЖнинг ишга тушиши билан мамлакатимиз кимё саноатида янги турдаги калий хлорид минерал ўғити тўлиқ маҳаллийлаштирилди. Корхона илк фаолиятини бошлаган йилларда республикамиз истеъмолчилари 1,9 минг тонна калий хлорид минерал ўғити билан таъминлаган бўлса, 2019 йилда 41,04 минг тонна, 2020 йилнинг 6 ойида 54 минг тонна калий хлорид минерал ўғити қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва бошқа соҳалар учун етказиб берилди. Натижада корхона ишга тушгунга қадар импорт қилинган калий маҳсулотига бўлган ички эҳтиёжнинг тўлиқ қондирилишига эришилди ҳамда республикага калий ўғитлар импорти тўхтатилди ва асосийси валюта маблағларининг четга чиқиб кетишининг олди олинди.

Корхона ишга туширилиши билан Ўзбекистон жаҳонда калий ўғити ишлаб чиқарувчи ўн олтинчи (МДҲда учинчи) мамлакатга айланди. Айни пайтда тўққизта мамлакатда – Испания, Канада, АҚШ, Бразилия, Хитой, Исроил, Россия, Белорус ва эндиликда Ўзбекистонда барча турдаги минерал ўғитлар яъни азотли, фосфорли,




калийли ўғитлар ишлаб чиқариш қувватлари мавжуд. «Деҳқонобод калий заводи» АЖ ўтган 10 йиллик фаолияти давомида 30 дан ортиқ хорижий мамлакатларга 300 миллион АҚШ доллари миқдоридаги калий ўғитини экспорт қилди.

Бугунги кунга келиб корхонанинг экспорт салоҳияти 1 510 минг тоннага етди. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган калий хлорид минерал ўғити Хитой Халқ Республикаси, Қозоғистон, Тожикистон, Эрон, Ироқ, Бирлашган Араб Амирликлари, Вьетнам, Сингапур, Индонезия, Малайзия, Шри-Ланка, Озарбайжон, Грузия, Арманистон, Туркия, Молдавия, Украина ва Африка бозорларига кириб борди.

**Ўз мухбиримиз.**



# Тез тиббий ёрдам автомобиллари кўпаймоқда

**Жиззах автомобиль заводи «Volkswagen Caddy» транспорт машиналари базасидаги тез тиббий ёрдам автомобилларининг навбатдаги партиясини Самарқанд вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига ва «Ўзбекистон темир йўллари» АЖга тақдим этди. Бу ҳақда «Ўзавтосаноат» АЖ ахборот хизмати хабар берди.**

Янги амбуланслар «Turin Invest Engineering» инжиниринг компанияси мутахассислари томонидан жиҳозланган ва пандемия даврида аҳолига хизмат кўрсатишга мўлжалланган.

Автомобиллар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги талабларига мувофиқ барча керакли жиҳозлар билан таъминланган.

# Шоҳимардон обод масканга айланмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шоҳимардоннинг бетакрор табиат манзараси, тарихий зиёратгоҳлари ҳудудда туризмни ривожлантиришда жуда қўл келади. Ички туризм ривожи ҳудуд аҳолисининг муқим даромад манбаини таъминловчи яна бир муҳим омил бўлади. Хорижлик сайёҳларни жалб этиш ва ички туризмни ривожлантириш мақсадида бугунги кунда бу ерда кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Вилоят раҳбари мазкур йўналишда белгиланган чора-тадбирлар ва вазифаларни ўз муддатида сифатли бажариш кераклигини таъкидлади.

Жумладан, «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури доирасида асаларичилик, тикувчилик, чорвачилик ва бошқа йўналишлар учун 2 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилади. Шоҳимардонда шу ой охиригача хорижий валюта бирликларини сотиб олиш, алмаштириш, почта жўнатмаларини олиш кичик банки ташкил этилади. Бўш турган иншоотлар мулкчилик шаклидан қатъи назар, тўлиқ хатловдан ўтказилиб, давлат тасарруфида бўлганлари тадбиркорларга сайёҳлик хизматини ташкил этиш шарти билан сотилиши кўзда тутилган.

– Шоҳимардондаги собиқ дам олиш уйини аёллар реабилитация марказига айлантирамиз, уни зарур тиббий жиҳоз, мутахассислар билан таъминлаймиз, – деди Шуҳрат Ғаниев. – Бу ишлар учун зарур бўлган миқдордаги маблағни ажратамиз.

Шоҳимардонда 30 та оилага 200 миллион сўмлик иссиқхоналар қуриб бериш, ичимлик суви таъминотини яхшилаш, биргина Ёрдон қишлоғига 7 километр сув тармоғини тортиш, 15 километр электр тармоқларини таъмирлаш ёки янгилаш, 80 тонналик суюлтирилган газ сақлагич, тезкор интернет тизими билан қамраб олиш, ветеринария хизмати шохобчасини ташкил этиш, 200 нафар хотин-қиз учун тикувчилик корхонасини тез кунда ишга тушириш каби долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Ишчи гуруҳ йиғилиши Шоҳимардон марказида яқинда қурилган амфитеатр ҳудудида бўлиб ўтди ва уни қишлоқ аҳли вакиллари кузатиб турди.

Шоҳимардонда аҳолига бирламчи зарур бўлган барча турдаги дори-дармон бепул берилади, ёшлар учун ташкил этилган спорт залларига 15 турдаги йўналишда машғулот анжомлари келтириб берилади, электр қувватининг 24 соатлик таъминоти кафолатланади, олий ўқув юртига ўқишга кириш учун тест имтиҳонлари Шоҳимардон қишлоғида ўтади.



Шу куни вилоят ҳокими Шуҳрат Ғаниев Шоҳимардон қишлоғида ўнлаб хонадон эгалари билан учрашиб, суҳбатлашди. Уларнинг муаммоларини жойида ҳал этди. Шоҳимардон қишлоғида кўп тармоқли шифохона ишлаб турибди. Бу масканга кислород концентраторлари ва турли хил дори-дармонлар топширилди.

– Бизга бўлган эътибор ва ғамхўрликдан миннатдормиз, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Икромжон Абдухолиқов. – Ҳа, Шоҳимардон бошқа давлат ҳудудидаги «оролча». Аммо давлатимиз раҳбари бизни ҳеч қачон ёлғизлатиб қўймаган. Мана, бугун ҳам мустақиллигимизнинг 29 йиллиги байрами арафасида 2500 қоп ун, 2500 та ҳар бири 5 литрлик ёғ келтирилди. Уни барча хонадонларга бирдек тарқатяпмиз.

Икки кун давомида вилоятдаги бошқарма ва ташкилот раҳбарлари, мутахассислари Шоҳимардон ва Ёрдондаги 16 та кўчада жойлашган мингдан зиёд хонадонга бирма-бир кириб, уларнинг ҳолидан хабар олди.

– Ҳали олдимизда яна ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар борлигини аниқладик, – дейди вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят маҳалла ва аҳолини қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Саидмурод Аминжонов ЎзА мухбири Маъсуджон Сулаймонов билан суҳбатда. – Қишлоққа қўшимча тез ёрдам автомашинаси, ёшлар учун иш ўринлари, давлат хизматлари кўрсатиш туман марказининг ваколатли шохобчаси керак. Биз барча талаб ва истакларни тез кунда ўрганиб, ечимини албатта топамиз.

# Аҳолининг уй-жой шароитини яхшилашда банкларнинг иштироки ортмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ҳамда 2020 йил 1 майдаги «Аҳолини уй-жой шароитларини яхшилаш ҳамда ипотека кредити бозорини янада кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори соҳада муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда.

– Фармонга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва барча вилоятлар шаҳарларида, шаҳар ва туман марказларига туташ ҳудудларида кўп квартирали уйлар қуриш ва бозор тамойиллари асосида ипотека кредитини ажратиш орқали фуқароларга сотишга асосланган янги тартиб жорий қилинди, – дейди АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» департамент бошлиғи ўринбосари Дилшод Ҳасанов. – Шунингдек, 2020 йилнинг 1 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш ҳамда ипотека кредити бозорини янада кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинган бўлиб, унинг доирасида банкимиз томонидан аҳолига ипотека кредитлари ажратилмоқда.

Бунда, бирламчи уй-жой бозори – янги тартиб доирасида қурилган, шунингдек, янги тартиб доирасидан ташқари фойдаланишга топширилган санадан кўпи билан икки йилдан ошмаган пудрат ташкилоти ҳисобидан бўлган кўп квартирали уйлардаги квартираларни таклиф этувчи бозор. Шунингдек, хусусий пудрат ташкилотлари томонидан тайёр ҳолда топшириш шартисиз пардоз ишларини амалга оширмасдан қурилган квартираларни бирламчи уй-жой бозорида сотиб олиш учун ипотека кредити ажратилишига рухсат берилади. Бунда фуқаролар банк иштирокисиз бирламчи бозорда квартира сотиб олишни ўзлари мустақил танлайдилар. Кредит муддати – 20 йил бўлиб, бошланғич тўлов қишлоқ жойларда – 10 фоиз, шаҳар ҳудудида эса 20 фоизни ташкил этади. Ажратиладиган ипотека кредитининг максимал миқдори қишлоқ жойларда 2 хонали квартиралар учун 240,0 млн сўмгача, шунингдек, 3 ва ундан кўп хонали квартиралар учун 320,0 млн сўмгача миқдорда бўлса, шаҳарларда 2 хонали квартиралар учун 240,0 млн.сўмгача, 3 ва ундан кўп хонали квартиралар учун эса 320,0 млн сўмгача бўлган маблағ тўланиши зарур. Тошкент шаҳрида 2 хонали квартиралар учун 264,0 млн сўмгача, 3 ва ундан кўп хонали квартиралар учун 352,0 млн сўмгача миқдордаги маблағни ўзида қамраб олади.

Матбуот анжуманида банк ипотека кредитлари асосида уй-жой сотиб олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатларга ҳам тўхталиб ўтилди. Бунинг учун кредит ажратилиши юзасидан уй-жойга эҳтиёжманд фуқаро номидан ариза, қарз олувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат, хусусан паспорт (ҳарбий гувоҳнома)нинг нусхаси, қарз олувчининг молиявий аҳволини тасдиқловчи ҳужжатлар, сотиб олинадиган квартира қийматининг 10/20 фоизидан кам бўлмаган миқдорда бошланғич бадал маблағларининг шакллантирилганини тасдиқловчи ҳужжат, шунингдек, уй-жой қурган пудрат ташкилоти билан квартирани сотиб олиш тўғрисида тузилган шартнома зарур бўлади. Янги тартибнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири шундаки, эндиликда айрим шахсларга, шу жумладан кам таъминланган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлганларга ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва (ёки) фоизларнинг бир қисмини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидиялар тўланади. Субсидия олиш истагида бўлган фуқаролар Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталига ариза билан мурожаат қилишлари лозим.



Бугунги кунда банк тизимида юртимиз бўйлаб 42 та филиал, 33 та минибанк, 11 та «Банк хизматлари кўрсатиш маркази», 201 та шохобчалар орқали аҳолига замонавий хизматлар кўрсатиб келинмоқда. Банк томонидан янги тартиб асосида бирламчи уй-жой бозорида квартира ҳамда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган арзон уй-жойлар харид қилиш учун аҳолига ипотека кредитлари ажратилмоқда. Айниқса, янги тартиб асосида ажратилаётган ипотека кредитлари аҳолига қатор қулайликларни яратиб беради. Эътиборли жиҳати, кредит олиш шартлари бир мунча соддалаштирилган бўлиб, хизмат тарифлари сезиларли равишда туширилди, кредит муддати эса 20 йил этиб белгиланди.

– Аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжи тобора ортиб бориши ҳудудларда кўплаб замонавий ва намунавий лойиҳалар асосидаги турар жой массивларининг барпо этилишига сабаб бўлмоқда, – дейди АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» матбуот хизмати раҳбари Шуҳрат Орипов. – Фуқароларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш эса банкимизнинг асосий йўналишларидан. Шаҳарларимиз, айниқса қишлоқ масканларида кўркам ва шинам тарзда қурилаётган уй-жойларни арзон нархларда, узоқ муддатли имтиёзли кредитлар асосида тақдим этилиши фуқароларимизга катта имкониятлар беради. Бугунги кунга қадар бирламчи уй-жой бозорида квартира харид қилиш мақсадида 222 нафар фуқароларга жами 51,3 млрд сўмлик, шундан субсидия тўланадиган 14 нафар фуқарога 3,4 млрд сўмлик ипотека кредит маблағлари ажратилди. Жорий йилда «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК иштирокида жами 8 000 та арзон уй-жойлар қурилиши белгиланган бўлиб, бугунги кунда уларнинг 4 098 таси бевосита АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан молиялаштирилмоқда. Ҳозирга қадар қурилиш ишларини молиялаштириш мақсадида аҳолининг 52,04 млрд сўм миқдоридаги маблағи ҳамда 94,5 млрд сўмлик ипотека кредити маблағлари жами 146,54 млрд сўм қийматида маблағ йўналтирилди.

Матбуот анжумани давомида журналистлар ўзларининг қизиқтирган саволларига банк вакилларидан атрофлича жавоб олдилар.

**Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

# Даволаш маркази иш бошлади

**Нукус олимпия ва миллий спорт мактабида коронавирус инфекциясини юқтириб олишда гумон қилинган беморларни даволаш мақсадида ташкил қилинган марказ 390 нафар беморни қабул қилиш имкониятига эга.**

Марказда барча шароит яратилган. Тиббий асбоблар ва дори-дармонлар билан тўла таъминланган даволаш марказига тажрибали шифокор ва ҳамширалар жалб этилган.

Марказнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида объект қошидан қўшимча равишда Оператив штаб ташкил этилган. Штаб томонидан марказга беморларни қабул қилиш ва уларни даволаш жараёни видеоназорат орқали доимий кузатиб борилади. Шунингдек, ушбу штаб орқали Тошкент шаҳри марказий штаби билан бевосита видеоконференция усулида алоқага чиқиш, яъни тиббий маслаҳатлар олиш имконияти яратилган.

Марказ беморларни қабул қилишни бошлади.

## Жиззах вилояти қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жамоаси

*барча ҳамюртларимиз,
қурувчилар ҳамда мамлакатимиз бунёдкорлик
жараёнларига сифатли маҳсулотлар етказиб бераётган
қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчиларни*

**Истиқлол айёми**

*билан самимий муборакбод этади.
Кун сайин чирой очиб бораётган диёримизнинг
бундан-да равнақ топиши йўлида
меҳнатсевар халқимизга тани сиҳатлик,
куч-қувват тилаймиз.*









## ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жамоаси

*жаннатмонанд диёримиз аҳлини,
шунингдек, ўзларининг фидокорона
меҳнатлари билан озод юртимизни янада
обод қилаётган бунёдкорларни
энг улуғ, энг азиз байрам —*

**Истиқлол айёми**

*билан самимий табриклайди.
Тобора чирой очиб бораётган обод
юртимизнинг тинчлиги ва осудалигига
асло кўз тегмасин!*









## «ЙЎЛ-ЛОЙИҲА БЮРОСИ» МЧЖ жамоаси

*Сизни энг улуғ, энг азиз айём —
Ватанимиз мустақиллигининг*

**29 йиллиги**

*билан муборакбод этади.
Юрт тараққиёти йўлидаги
эзгу интилишларингизда муваффақият тилайди.
Халқимизнинг ҳаёти янада фаровон бўлсин!*







O'ZBEKISTON BUNYODKORI СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№66 (415) 2020 йил 25 август

# ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ
## қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жамоаси

барча ватандошларимизни, ўз касбига садоқатли ва фидойи бунёдкорлар, муҳандису меъморларни – **Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 29 йиллиги** билан чин дилдан табриклайди.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, эзгу ишларингизда янги-янги муваффақиятлар тилаймиз.



# НАВОИЙ ВИЛОЯТИ
## қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жамоаси



юрт равнақи йўлида меҳнат қилаётган
барча ватандошларимизни
**Ўзбекистон Республикаси**
**мустақиллиги байрами**
билан чин дилдан табриклайди.
Қалбларингиздаги жўшқинлик,
шижоат сўнмасин,
хонадонингиздан
меҳр-оқибат, файзу барака
аримасин!



# ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ
## қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жамоаси

мамлакатимиз аҳлини энг улуғ, энг азиз айёми – **29 йил**
**Истиқлол байрами билан**
самимий муборакбод этади.
Барча юртдошларимизга сиҳат-саломатлик, куч-қувват
ҳамда келгуси ишларида омад ва муваффақиятлар тилаб қоламиз.
Хонадонингиздан файзу барака, дастурхонингиздан
тўкин-сочинлик ҳеч қачон аримасин!



*Байрамингиз муборак бўлсин!*

# НАМАНГАН ВИЛОЯТИ
## қурилиш соҳасида худудий назорат инспекцияси жамоаси

*жонажон диёримиз аҳлини, касб-кори орқали
халқимиз орасида обрў-эътибор, ҳурмат ва
эҳтиромга сазовор бўлаётган бунёдкорларни
Мустақиллик байрами билан қутлаб,
хонадонингиздан меҳр-оқибат,
файзу барака аримаслигини тилайди.*



# САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ
## қурилиш соҳасида худудий назорат инспекцияси жамоаси

*Ўзбекистон аҳлини, шу жумладан,
мамлакатимиз ободлиги йўлида
самарали меҳнат қилаётган бунёдкорларимизни
энг улуғ, энг азиз айём –
Мустақиллик байрами
билан самимий муборакбод этади.
Истиқлол йилларида эришган ютуқларимиз
бардавом бўлиб,
ҳар бир ватандошимизга сиҳат-саломатлик,
куч-қувват ва омад ёр бўлишини тилаймиз.
Хонадонингиздан тотувлик, файзу барака,
дастурхонингиздан тўкин-сочинлик аримасин!*









O'ZBEKISTON BUNYODKORI СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№66 (415) 2020 йил 25 август

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
## қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жамоаси

*юрт ободлигига ўз ҳиссасини қўшаётган*
*барча юртдошларимизни,*
*меъмор ва бунёдкорларимизни*

***Истиқлол айёми***

*билан самимий муборакбод этади.*
*Жаннатмонанд диёримизнинг гуллаб-яшнаши,*
*халқимиз учун мустаҳкам ва шинам турар жойлар,*
*таълим, тиббиёт ва бошқа объектларни*
*бунёд этиш йўлида амалга ошираётган*
*шарафли ишларида куч-қувват тилаймиз.*




## Сирдарё вилояти
## қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жамоаси

*барча ҳамюртларимизни*
*қутлуғ айём –*

***Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллиги***

*билан табриклайди.*
*Дунё ҳамжамиятида ўзига*
*хос ўринга эга бўлган*
*мамлакатимиз*
*иқтисодиётини янада*
*ривожлантиришни ўз олдига*
*олий мақсад қилган*
*жонкуяр ватандошларимиз*
*қалбидаги*
*қайноқ ўт ҳеч қачон*
*сўнмасин!*









## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ
## қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жамоаси

*барча ҳамюртларимизни*
*яқинлашиб келаётган*
*қутлуғ айём –*

*Ўзбекистон Республикаси*
*мустақиллигининг*
*29 йиллиги*

*билан табриклайди.*
*Сизларга сиҳат-саломатлик,*
*дастурхонингизга*
*қут-барака тилаймиз.*



# ПРИГЛАШЕНИЕ НА УЧАСТИЕ В ТЕНДЕРНЫХ ТОРГАХ

**по строительству подъездных и внутримассивных дорог в соответствии с постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан № ПКМ-428 от 07.07.2020 г. «О мерах по обеспечению населения жильем, эффективной организации дополнительного жилищного строительства в городской и сельской местности» за счет средств Кувейтского фонда арабского экономического развития (Фаза-1)**

**Заем № УЗБ-983**

**№ тендерных торгов КФР-2019-05**

1. Республика Узбекистан подписала заемное соглашение с Кувейтским фондом арабского экономического развития (далее – КФАЭР) по реализации проекта «Развитие инженерной инфраструктуры в сельской местности для строительства индивидуального жилья по типовым проектам» (далее – Проект) и намерена использовать финансовые средства на строительство подъездных и внутримассивных дорог в сельских местностях Республики Узбекистан в рамках проекта. ИК ООО «Кишлок курилиш инвест» (Заказчик) настоящим приглашает правомочных участников к подаче своих тендерных предложений в запечатанном виде на осуществление строительства подъездных и внутримассивных дорог.

**Срок строительства составляет** – 7 (семь) месяцев.

2. Участники торгов могут подавать свои тендерные предложения по одному или нескольким лотам, как указано в тендерных документациях. Участники могут предоставить скидку в случае присуждения одного или более контракта, при условии, что данная скидка отражена в Письме предложении.

3. Национальные тендерные торги будут проводиться в соответствии с процедурой КФАЭР для товаров и работ в рамках финансирования КФАЭР и доступны всем правомочным участникам, как описано в тендерных документациях.

4. Заинтересованные правомочные участники могут получить дополнительную информацию в Территориальном консалтинговом центре по организации тендерных торгов в строительстве по адресу ниже в течение рабочего времени с 10.00 до 17.00.

| Ташкентская область |
|---|
| **Адрес:** город Ташкент, Навои, 18.<br>**Телефон:** (71) 241-15-22.<br>**Факс:** (71) 241-15-32. |

5. Полный комплект тендерной документации, составленный на русском языке, может быть приобретен правомочными участниками по представлению письменного заявления на имя организатора торгов по вышеуказанному адресу, а также необходимо приложить платежное поручение из банка о невозмещаемой оплате в размере 1 БРВ (Базовая расчетная величина).

Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковский счет организатора конкурсных торгов – соответствующего Территориального консалтингового центра по организации тендерных торгов в строительстве.

**Ниже представлены реквизиты его банковского счета:**

| Ташкентская область |
|---|
| **Банк:** ЦОУ Ташкентский областной филиал АТБ «Турон банк»<br>**Р/с:** 2021 0000 2045 4602 7001<br>**ИНН:** 300 017 720 |

**6. Тендерные предложения должны быть представлены:**

по вышеуказанному адресу;

**до истечения крайнего срока подачи предложения:** согласно дате, указанной в перечне контрактов;

необходимо представить декларацию для тендерного предложения.

**Вскрытие конкурсных предложений состоится в последний день подачи заявок, в присутствии представителей участников торгов, изъявивших желание присутствовать по нижеуказанному адресу:**

| Хокимият Ташкентской области |
|---|
| **Адрес:** город Нурафшон, улица Хокимият.<br>**Телефон:** (371) 232-80-47.<br>**Факс:** (71) 232-80-42. |

7. Заинтересованные правомочные участники торгов должны отвечать следующим требованиям:

| Протяженность дороги | Требуемый среднегодовой оборот в строительстве (сум) | Требование к наличию финансовых ресурсов (сум) | Контракты аналогичного объёма и характера (сум) | Земляные работы, выполненные за последние 3 года ($м^3$) | Бетонные работы, выполненные за последние 3 года ($м^3$) | Работы по асфальтированию дорог, выполненные за последние 3 года ($м^2$) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 км | 800 000 000,0 | 300 000 000,0 | 700 000 000,0 | 900,0 | 200,0 | 2 000,0 |
| 2 км | 1 600 000 000,0 | 600 000 000,0 | 1 400 000 000,0 | 1 800,0 | 400,0 | 4 000,0 |
| 3 км | 2 400 000 000,0 | 900 000 000,0 | 2 100 000 000,0 | 2 700,0 | 600,0 | 6 000,0 |

8. Опоздавшие конкурсные предложения будут отклонены и возвращены в закрытом виде.

### ПРИГЛАШЕНИЕ № КФР-2019-05 ДЛЯ УЧАСТИЯ В ТЕНДЕРНЫХ ТОРГАХ

**«О мерах по обеспечению населения жильем, эффективной организации дополнительного жилищного строительства в городской и сельской местности» за счет средств Кувейтского фонда арабского экономического развития**

ПЕРЕЧЕНЬ КОНТРАКТОВ

| № Лота | Район | Массив | Протяжённость подъездных и внутримассивных дорог (км) | Конечный срок подачи предложений |
|---|---|---|---|---|
| **Итого по Ташкентской области** | | | **2,635** | |
| КФР-67 | Чиназский, Кибрайский | МСГ «Шалола», МСГ «Геофизика» | 2,155 | 24 сентября 2020 года, 11.00 |
| КФР-68 | Ташкентский | МСГ «Хувайдо» | 0,480 | 24 сентября, 2020 года 11.00 |

# ПРИГЛАШЕНИЕ НА УЧАСТИЕ В ТЕНДЕРНЫХ ТОРГАХ

**Республика Узбекистан**

**Проект:** «Развитие инженерной инфраструктуры в сельской местности для строительства индивидуального жилья по типовым проектам (Фаза-2)»

**с участием Кувейтского фонда арабского экономического развития по строительству подъездных и внутримассивных дорог**

**Заем № 1024**

**№ тендерных торгов КФР-2020-04**

1. Республика Узбекистан подписала заемное соглашение с Кувейтским фондом арабского экономического развития (далее – КФАЭР) по реализации проекта «Развитие инженерной инфраструктуры в сельской местности для строительства индивидуального жилья по типовым проектам (Фаза-2)» (далее – Проект) и намерена использовать финансовые средства на строительство подъездных и внутримассивных дорог в сельских местностях Республики Узбекистан в рамках проекта. ИК ООО «Кишлок курилиш инвест» (Заказчик) настоящим приглашает правомочных участников к подаче своих тендерных предложений в запечатанном виде на осуществление строительства подъездных и внутримассивных дорог.

**Срок строительства составляет** – 7 (семь) месяцев.

2. Участники торгов могут подавать свои тендерные предложения по одному или нескольким лотам, как указано в тендерных документациях. Участники могут предоставить скидку в случае присуждения одного или более контракта, при условии, что данная скидка отражена в Письме предложении.

3. Национальные тендерные торги будут проводиться в соответствии с процедурой КФАЭР для товаров и работ в рамках финансирования КФАЭР и доступны всем правомочным участникам, как описано в тендерных документациях.

4. Заинтересованные правомочные участники могут получить дополнительную информацию в Территориальном консалтинговом центре по организации тендерных торгов в строительстве по адресу ниже в течение рабочего времени с 10.00 до 17.00.

| Ташкентская область |
|---|
| **Адрес:** город Ташкент, Навои, 18.<br>**Телефон:** (71) 241-15-22.<br>**Факс:** (71) 241-15-32. |

5. Полный комплект тендерной документации, составленный на русском языке, может быть приобретен правомочными участниками по представлению письменного заявления на имя организатора торгов по вышеуказанному адресу, а также необходимо приложить платежное поручение из банка о невозмещаемой оплате в размере 1 БРВ (Базовая расчетная величина).

Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковский счет организатора конкурсных торгов – соответствующего Территориального консалтингового центра по организации тендерных торгов в строительстве.

**Ниже представлены реквизиты его банковского счета:**

| Ташкентская область |
|---|
| **Банк:** ЦОУ Ташкентский областной филиал АТБ «Турон банк»<br>**Р/с:** 2021 0000 2045 4602 7001<br>**ИНН:** 300 017 720 |

**6. Тендерные предложения должны быть представлены:**

по вышеуказанному адресу;

**до истечения крайнего срока подачи предложения:** согласно дате, указанной в перечне контрактов;

необходимо представить декларацию для тендерного предложения.

**Вскрытие конкурсных предложений состоится в последний день подачи заявок, в присутствии представителей участников торгов, изъявивших желание присутствовать по нижеуказанному адресу:**

| Хокимият Ташкентской области |
|---|
| **Адрес:** город Нурафшон, улица Хокимият.<br>**Телефон:** (371) 232-80-47.<br>**Факс:** (71) 232-80-42. |

7. Заинтересованные правомочные участники торгов должны отвечать следующим требованиям:

| Протяженность дороги | Требуемый среднегодовой оборот в строительстве (сум) | Требование к наличию финансовых ресурсов (сум) | Контракты аналогичного объёма и характера (сум) | Земляные работы, выполненные за последние 3 года ($м^3$) | Бетонные работы, выполненные за последние 3 года ($м^3$) | Работы по асфальтированию дорог, выполненные за последние 3 года ($м^2$) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 км | 800 000 000,0 | 300 000 000,0 | 700 000 000,0 | 900,0 | 200,0 | 2 000,0 |
| 2 км | 1 600 000 000,0 | 600 000 000,0 | 1 400 000 000,0 | 1 800,0 | 400,0 | 4 000,0 |

8. Опоздавшие конкурсные предложения будут отклонены и возвращены в закрытом виде.

### ПРИГЛАШЕНИЕ № КФР-2020-04 ДЛЯ УЧАСТИЯ В ТЕНДЕРНЫХ ТОРГАХ

**Проект:** «Развитие инженерной инфраструктуры в сельской местности для строительства индивидуального жилья по типовым проектам (Фаза-2)»

**с участием Кувейтского фонда арабского экономического развития**

ПЕРЕЧЕНЬ КОНТРАКТОВ

| № Лота | Район | Массив | Протяжённость подъездных и внутримассивных дорог (км) | Конечный срок подачи предложений |
|---|---|---|---|---|
| **Итого по Ташкентской области** | | | **2,946** | |
| КФР-32 | Янгиюльский | МСГ «Бахт» ул. Ижодкор, МСГ «Гулбахор», МСГ «Ахиллик» | 1,130 | 24 сентября 2020 года, 11.00 |
| КФР-33 | Куйичирчикский, Уртачирчикский | МСГ «Ибрат», МСГ «Уйгур» | 1,074 | 24 сентября 2020 года, 11.00 |
| КФР-34 | Бекабадский, Зангиатинский | МСГ «Истиклол», МСГ «Файз» | 0,742 | 24 сентября 2020 года, 11.00 |

# ПРИГЛАШЕНИЕ НА УЧАСТИЕ В ТЕНДЕРНЫХ ТОРГАХ

**по строительству подводящих и внутримассивных сетей водоснабжения в соответствии с Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан № ПКМ-428 от 07.07.2020 г. «О мерах по обеспечению населения жильем, эффективной организации дополнительного жилищного строительства в городской и сельской местности» за счет средств Кувейтского фонда арабского экономического развития (Фаза-1)**

**Заем № УЗБ-983**

**№ тендерных торгов КФР-2019-04**

1. Республика Узбекистан подписала заемное соглашение с Кувейтским фондом арабского экономического развития (далее – КФАЭР) по реализации проекта «Развитие инженерной инфраструктуры в сельской местности для строительства индивидуального жилья по типовым проектам» (далее – Проект) и намерена использовать финансовые средства на строительство подводящих и внутримассивных сетей водоснабжения в сельских местностях Республики Узбекистан в рамках проекта. ИК ООО «Кишлок курилиш инвест» (Заказчик) настоящим приглашает правомочных участников к подаче своих тендерных предложений в запечатанном виде на осуществление строительства подъездных и внутримассивных дорог.

**Срок строительства составляет** – 6 (шесть) месяцев.

2. Участники торгов могут подавать свои тендерные предложения по одному или нескольким лотам, как указано в тендерных документациях. Участники могут предоставить скидку в случае присуждения одного или более контракта, при условии, что данная скидка отражена в Письме предложении.

3. Национальные тендерные торги будут проводиться в соответствии с процедурой КФАЭР для товаров и работ в рамках финансирования КФАЭР и доступны всем правомочным участникам, как описано в тендерных документациях.

4. Заинтересованные правомочные участники могут получить дополнительную информацию в Территориальном консалтинговом центре по организации тендерных торгов в строительстве по адресу ниже в течение рабочего времени с 10.00 до 17.00.

| Ташкентская область |
|---|
| **Адрес:** город Ташкент, Навои, 18.<br>**Телефон:** (71) 241-15-22.<br>**Факс:** (71) 241-15-32. |

5. Полный комплект тендерной документации, составленный на русском языке, может быть приобретен правомочными участниками по представлению письменного заявления на имя организатора торгов по вышеуказанному адресу, а также необходимо приложить платежное поручение из банка о невозмещаемой оплате в размере 1 БРВ (Базовая расчетная величина).

Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковский счет организатора конкурсных торгов – соответствующего Территориального консалтингового центра по организации тендерных торгов в строительстве.

**Ниже представлены реквизиты его банковского счета:**

| Ташкентская область |
|---|
| **Банк:** ЦОУ Ташкентский областной филиал АТБ «Турон банк»<br>**Р/с:** 2021 0000 2045 4602 7001<br>**ИНН:** 300 017 720 |

**6. Тендерные предложения должны быть представлены:**

по вышеуказанному адресу;

**до истечения крайнего срока подачи предложения:** согласно дате, указанной в перечне контрактов;

необходимо представить декларацию для тендерного предложения.

**Вскрытие конкурсных предложений состоится в последний день подачи заявок, в присутствии представителей участников торгов, изъявивших желание присутствовать по нижеуказанному адресу:**

| Хокимият Ташкентской области |
|---|
| **Адрес:** город Нурафшон, улица Хокимият.<br>**Телефон:** (371) 232-80-47.<br>**Факс:** (71) 232-80-42. |

7. Заинтересованные правомочные участники торгов должны отвечать следующим требованиям:

| Протяженность сетей водоснабжения | Требуемый среднегодовой оборот в строительстве (сум) | Требование к наличию финансовых ресурсов (сум) | Контракты аналогичного объёма и характера (сум) | Земляные работы, выполненные за последние 3 года ($м^3$) | Бетонные работы, выполненные за последние 3 года ($м^3$) | Работы по строительству сетей водоснабжения, выполненные за последние 3 года (п.м.) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 км | 500 000 000,0 | 200 000 000,0 | 450 000 000,0 | 900,0 | 100,0 | 600,0 |
| 2 км | 1 000 000 000,0 | 400 000 000,0 | 900 000 000,0 | 1 800,0 | 200,0 | 1 200,0 |
| 3 км | 1 500 000 000,0 | 600 000 000,0 | 1 350 000 000,0 | 2 700,0 | 300,0 | 1 800,0 |
| 4 км | 2 000 000 000,0 | 800 000 000,0 | 1 800 000 000,0 | 3 600,0 | 400,0 | 2 400,0 |
| 5 км | 2 500 000 000,0 | 1 000 000 000,0 | 2 250 000 000,0 | 4 500,0 | 500,0 | 3 000,0 |

8. Опоздавшие конкурсные предложения будут отклонены и возвращены в закрытом виде.

### ПРИГЛАШЕНИЕ № КФР-2019-04 ДЛЯ УЧАСТИЯ В ТЕНДЕРНЫХ ТОРГАХ

**«О мерах по обеспечению населения жильем, эффективной организации дополнительного жилищного строительства в городской и сельской местности» за счет средств Кувейтского фонда арабского экономического развития**

ПЕРЕЧЕНЬ КОНТРАКТОВ

| № лота | Район | Массив | Протяжённость сетей водоснабжения (км) | Конечный срок подачи предложений |
|---|---|---|---|---|
| **Итого по Ташкентской области** | | | **6,53** | |
| КФР-65 | Чиназский, Кибрайский | МСГ «Шалола», МСГ «Геофизика» | 4,03 | 24 сентября 2020 года, 11.00 |
| КФР-66 | Ташкентский | МСГ «Хувайдо» | 2,50 | 24 сентября 2020 года, 11.00 |

Узб. С301



# ЁРҚИН УФҚЛАР САРИ

**Автомобиль йўллари халқ фаровонлиги даражасини, мамлакат иқтисодиётининг қудратини намоён этувчи асосий инфратузилмалардан бири ҳисобланади.**

«Буюк ипак йўли»да жойлашган қадимий Самарқандда йўл қурилиши янги трактлар, кўчалар ташкил қилишга жиддий аҳамият қаратилаётгани, бу эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш учун беқиёс маблағ ажратилаётгани ва инвестиция киритилаётгани боиси ҳам шундан. Бугун вилоятга ташриф буюрган хорижий сайёҳлар, меҳмонлар ва ҳатто туб аҳоли юзлаб километрдаги янги ҳамда тўлиқ қайта таъмирланган, тамоман замонавий қиёфани мужассамлаштирган йўллардан ҳаракатланар экан, бундан чексиз фахрланиши, қалби ғурурга тўлиши шубҳасиз.

– Кейинги пайтда кўҳна заминдаги йирик автомобиль йўлларинигина эмас, ички йўллар ҳолатини яхшилаш, давр талабига мослаштириш, йўл-транспорт инфратузилмасини янада такомиллаштириш, автоулов ва пиёдалар ҳаракати учун қулай шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи» инжиниринг компанияси бош муҳандиси Суръат





Қурбонов. – Айтиш жоизки, илгари бу долзарб юмуш билан автомобиль йўлларидан фойдаланиш бошқармаси ва унга тегишли корхоналар шуғулланган бўлса, вилоят ҳокимлигининг ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан мазкур соҳага бизнинг ташкилот ҳам ўз улушини қўшишга бел боғлади.

Айни пайтда Самарқанд шаҳри ва унга туташ туманларда бу борада йирик режалар амалга оширилаётгани мисолида буни яққол ҳис этиш мумкин. Фақат компания буюртмаси бўйича жорий мавсумда вилоятдаги 40 километрга яқин йўл таъмирланиб, асфальт ётқизилди. Муҳими, хайрли ниятни рўёбга чиқаришда бунёдкорларимиз сира тиним билмаяптилар.

Инжиниринг компания бошчилигида инвестиция дастурлари бўйича ижтимоий-маданий объектларни қуриш, мактаб, соғлиқни сақлаш тизими ва бошқа соҳа иншоотларини тиклаш, таъмирлаш ва реконструкция қилиш қай даражада жадаллик билан олиб борилаётган бўлса, йўлсозликда ҳам қатор ижобий ютуқлар қўлга киритилаётганини фахрланиб гапиришни истардим.

Албатта, республика, маҳаллий ҳокимлик, «Самарқанд шаҳрини ободонлаштириш ва фаровонлигини ошириш жамғармаси» бунда ўз ёрдамини бераётганини таъкидлаш жоиздир.

Қаерда ташкилотчилик, интилиш ҳукм сурар экан, ўша жойда беқиёс имкониятлар эшиги очилиши сир эмас. «Самарқандйўлқурилишлойиҳа» МЧЖ мутахассислари томонидан тайёрланган лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишда пудрат ташкилотларининг ҳиссаси катта. Малакали қурувчилар, тажрибали ишчи-хизматчиларни ўз сафига бирлаштирган «Дилазиз капиталинвест» масъулияти чекланган жамияти йўлчиларининг бу борадаги хизматлари диққатга сазовор.

– Жамоамиз инжиниринг компания буюртмасига асосан шу кунларда Самарқанд шаҳри ва Самарқанд туманига тегишли Бўзи, Навбоғчиён, Панжоб, Бўстон, Аҳиллик каби маҳаллаларнинг ички йўлларини таъмирдан чиқариш, янги асфальт ётқизишда жонбозлик кўрсатяпти, – дейди жамият директори Толиб Тоҳиров. – Бир-бирига туташиб кетган бу йўлларда автомашиналар ва пиёдалар учун барча шароитларни яратиш, равон ва текис бўлишини таъминлаш учун бор имкониятни ишга соляпмиз. Бунинг учун бизда етарли ишчи кучи, сўнгги ютуқлардаги техника воситалари мавжуд.

Зиммага юкланган вазифани сифатли бажариш, одамларга манзур тушиши доимий диққат марказимизда. Шу боисдан бўлса керак, юқори ташкилотлар, назорат этувчи идоралар вакиллари, муҳими, шу ерда яшовчи аҳоли фаолиятимиздан қониқиш ҳосил қилиб, ўз миннатдорчиликларини билдиряптилар. Худди шунингдек, Ургут «Эркин иқтисодий зонаси»да, Қорасув массивига элтувчи «Залиние»даги Халқлар дўстлиги кўчасидаги юмушлардан ҳам барча мамнун.

Умуман олганда йўлсозлар лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ ўтган йили 22 миллиард, жорий йилнинг ўтган даврида 13 миллиард сўмлик ҳажмдаги буюртмани бажариб, Ватанимиз Мустақиллигининг 29 йиллигига муносиб совға ҳозирладилар, дейиш мумкин.

– Мен 80 ёшни қоралаб қолдим, – дейди Бўзи маҳалласи Хумдон кўчасида яшовчи отахон Ҳамроқул Тўрақулов. – Мана, шу аҳил, иноқ жамоа аъзоларининг ғайрат-шижоати билан йўлимиз асфальтланиб, чинакам чирой очди. Шунча яшаб бу қадар ғамхўрлик, ободлик ва файзни ҳис этмаган эдим. Ахир, узоқ йиллар ёзда чанг, қишда лой-ифлос кўчалардан қатнайвериб, безиб кетгандик. Қўли гул, савобталаб йигитларга чексиз раҳмат, дейман. Қолаверса, бундай ижобий ўзгаришларнинг ташкилотчиларига, муҳтарам Президентимизга аҳли жамоа номидан ташаккур билдираман.

Ҳа, йўл қурган етар муродга, деганларидек Самарқандда бу борада дадил қадамлар ташланмоқда. Эл-юрт фаровонлиги, муносиб турмуш тарзини қарор топтириш бўйича истиқболли режаларни рўёбга чиқариш эса ёркин уфқларга чорламоқда.

**Суратларда:** «Дилазиз капиталинвест» йўлсозларининг иш жараёни акс этган.

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

---

**«Олмалиқ» кон-металлургия комбинатининг экспорт салоҳияти босқичма-босқич юксалиб бормоқда. Хусусан, комбинатнинг истиқболли корхоналаридан бири – «Ангрен қувур заводи»да ўсиш суръати бугун 120 фоизни ташкил этади.**

# Хорижлик харидорлар кўпаяди

Мис қувурларга бўлган талаб жаҳон бозорида тобора ортиб бораётган ҳозирги даврда маҳаллий бозорларимизда ҳам унга эҳтиёж юқори. Буни биз карантин марказларига суюлтирилган кислород етказиб беришда улардан самарали фойдаланилаётгани мисолида кўришимиз мумкин. «Ангрен қувур заводи» нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда ҳам йирик ишлаб чиқариш майдони ҳисобланади.

– Бугунги кунда маҳсулот ўсиш суръати 125,2 фоизни ташкил этади, – дейди «Ангрен қувур заводи» директори Эрйигит Сулаймонов. – Йил бошидан завод олдига 2,5 минг тоннадан зиёд турли ўлчамдаги мис қувурлар ишлаб чиқариш ва унинг қарийб 1,5 минг тоннасини экспорт қилиш вазифаси қўйилган эди. Амалда эса 2 850 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилиб, шундан 2 100 тоннадан ортиғи экспорт қилинди. Шу тариқа жорий йилнинг ўтган олти ойида 12,3 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулот хорижлик ҳамкорларга етказиб берилди. Келгусида бу каби кўрсаткичларни янада ошириб, асосан ташқи бозорда янги харидорлар топишни мақсад қилганмиз. Завод ташкил топган илк вақтларида 30 хил турдаги мисли қувурлар ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозирги кунда эса уларнинг тури 150 дан ортди.

Маҳаллийлаштириш дастури асосида ишлаб чиқариш қувватларини янада кенгайтириш, соҳага замонавий техника ва технологияларни самарали жалб қилиш орқали маҳсулот тури ҳамда сонини ошириш жараёнларига «Ангрен қувур заводи» томонидан алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Жорий йилда 2 хилдаги мисли маҳсулотлар, яъни квадрат мис қувури ва мис штангасини ишлаб чиқариш режалаштирган. Бугунги кунга келиб, завод кўплаб хорижий компаниялар ва маҳаллий корхоналар билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш доирасида қатор шартномалар имзолашга эришди. «Артел» корхонаси ва «Навоий» кон-металлургия комбинати ички бозордаги асосий харидорлардан бири ҳисобланади. Завод маҳсулотлари бугунги кунда Туркия, Россия, Озарбайжон, Болгария, Украина, Беларусь Республикаси, Қозоғистон каби давлатлар бозорларида ҳам харидоргир.

**Ўз мухбиримиз.**

---

# Соҳа ривожининг янги механизмлари

**Давлат ва хусусий секторлар ресурсларини бирлаштириш орқали уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси, хусусан ичимлик сув, канализация ва иссиқлик таъминотидаги долзарб муаммоларни самарали ҳал этиш имконияти катта.**

Тизимда давлат-хусусий шериклик механизмларини такомиллаштириш эса уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасига хусусий инвестицияларни жалб қилиш, аҳолига тақдим этилаётган коммунал хизматлар сифатини оширишга хизмат қилади.

Республикамизда давлат-хусусий шериклик соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, унинг тамойиллари, шартлари ва йўналишларини белгиловчи ҳуқуқий базани яратиш, шунингдек, бюджет тизимига молиявий, техник ва тижорат таваккалчиликларининг таъсирини баҳолаш механизмини ишлаб чиқиш мақсадида Давлатимиз раҳбарининг ва ҳукумат қарорлари, тегишли қонунлар муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий база уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш ва аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширишда давлат ва хусусий сектор ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятини яратмоқда.

– Бугунги кунда ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини соҳага жорий этиш мақсадида бир қатор тизимли ишлар амалга оширилмоқда, – дейди Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Матбуот хизмати раҳбари Алипаша Аҳмедов. – Бунинг натижасида жорий йил 27 январь куни Уй - жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳамда «City Building Sales» МЧЖ ўртасида Хоразм вилоятининг Янгиариқ ва Янгибозор туманларида ичимлик суви таъминоти тизимларини давлат хусусий шериклик шартлари асосида бошқариш бўйича битимлар имзоланди. Мазкур битимларга асосан, ушбу туманларнинг ичимлик суви таъминоти тизимлари 10 йил мобайнида «City Building Sales» МЧЖ томонидан давлат-хусусий шерикликка доир бошқарилади. Ушбу лойиҳаларга мувофиқ, мавжуд инфратузилмани реконструкция қилиш ва ривожлантириш ҳамда ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида хусусий шерик томонидан 14 млрд 430 млн сўм миқдорда хусусий инвестиция маблағлари киритилади.

Албатта, бу каби натижаларга эришиш учун хусусий шерик томонидан туманлар ҳудудидаги барча истеъмолчилар ҳамда ичимлик сув тармоқлари қайта хатловдан ўтказилиб, сув тарқатиш иншоотларидаги кўп энергия сарфловчи ва эскирган барча ускуна, жиҳоз, қувурлар ва насос агрегатларини тўлиқ алмаштириш йўлга қўйилмоқда. Аҳоли пунктлари ва хонадонларни ичимлик сув тармоқларига улаш, ичимлик сув объектлари ва истеъмолчиларга сув ҳисоблагичларни ўрнатиш ҳамда Янгиариқ туманида 60 километрдан ортиқ, Янгибозор туманида 35 километрдан ортиқ ичимлик суви тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари бошлаб юборилди. Муҳими юзага келиши мумкин бўлган авария ҳолатларини тезкор, қисқа муддатда тўлиқ бартараф қилиш учун зарур бўлган моддий-техника базаси яратилади.

– Бундан ташқари, Наманган шаҳрида оқова сув тозалаш иншоотини қуриш ва эксплуатация қилиш бўйича давлат-хусусий шериклик лойиҳаси амалга оширилмоқда, – дейди суҳбатдошимиз. – 50,4 млн АҚШ доллари қийматидаги ушбу лойиҳанинг концепцияси ва тегишли хужжатлари тайёрланиб, Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланди. Ҳозирги кунда ушбу лойиҳа юзасидан тендер савдолари ўтказилмоқда. Эътиборлиси, лойиҳа концепцияси ва тендер ҳужжатлари Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ, Осиё Тараққиёт Банкининг хорижий консультантларини жалб қилган ҳолда ишлаб чиқилган. Лойиҳани амалга ошириш 25 йилга мўлжалланган бўлиб, 3 йил давомида хусусий шерик томонидан янги ва замонавий оқова сув тозалаш иншооти қурилиб, 22 йиллик муддатда фойдаланилиши ва хизмат кўрсатилиши йўлга қўйилади. Шунингдек, Франциянинг «SUEZ International» компанияси билан биргаликда Тошкент шаҳар сув таъминоти сифатини яхшилаш бўйича қиймати 185,4 млн евролик лойиҳа шартномаси имзоланди. Булардан ташқари, Тошкент вилоятининг Бекобод, Бўка, Қуйичирчиқ, Ўрта Чирчиқ ва Юқори Чирчиқ туманлари, Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов тумани, Сурхондарё вилоятидаги Олтинсой ва Қизириқ туманлари ҳудуди сув таъминоти сифатини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида яхшилаш ва модернизация қилиш бўйича тегишли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

**Наргиза МИРЁҚУБОВА,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

---

## «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали

### очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига «Ангор келажаги савдо комплекси» МЧЖнинг 2020 йил 18 августдаги 47-сонли буюртманомасига асосан, Ангор тумани, «Янги турмуш» маҳалласида жойлашган «Ангор келажаги савдо комплекси» МЧЖ ҳудудидан газлама моллари сотиш учун мўлжалланган 15-павильондаги 4-сонли сатҳи 36,0 квадрат метрдан иборат, 1 қаватли (сервитут белгиланмаган) келажакда қуриб битказиладиган савдо дўконини 49 йилга ижарага олиш бўйича шартнома тузиш ҳуқуқи. **Дўконни ижарага олиш бўйича шартнома тузиш ҳуқуқининг бошланғич баҳоси** – 54 900 000 сўм.

Аукцион савдоси 2020 йил 28 сентябрь куни Термиз шаҳар Баркамол авлод кўчаси, 19-уйда, соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Мазкур дўконни ижарага олиш бўйича шартнома тузиш ҳуқуқи 2020 йил 28 сентябрь куни ўтказиладиган аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2020 йил 13, 28 октябрь, 12, 27 ноябрь, 14, 29 декабрь кунлари, соат 11.00 дан бошлаб юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати савдо белгиланган санадан 1 (бир) иш куни олдин, соат 16.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолиби савдо кунидан бошлаб 5 (беш) иш кун муддат ичида «Сотувчи» билан олди-сотди шартномасини имзолаш, шартнома имзолангандан сўнг 30 кун муддат ичида пул тўловларини «Ангор келажаги савдо комплекси» МЧЖнинг АТБ «Микрокредитбанк» Ангор филиали МФО 00344 СТИР 204 738 623, 20210000104293850001 ҳисоб рақамига тўлиқ тўлаш шартлари юклатилади. Ижарага олиш ҳуқуқини сотиб олиш маблағлари мазкур дўконларнинг қурилиши учун сарфланади ва ушбу пул тўловлари ижара ҳақи тўловлари учун ҳисобланмайди.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун ариза, закалат келишуви, закалат пули тўлангани тўғрисидаги ҳужжат нусхаси, юридик шахсларнинг гувоҳнома ва таъсис ҳужжатлари нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, вакил иштирок этганда ишончнома ва аукцион савдоси ўтказилиши тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пулини тўлаганини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхасини тақдим этади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ва риэлторлик ахборот-маслаҳат хизматлари учун энг кам иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги маблағни кўрсатилган муддатга қадар «KMSX» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 0049 2060 9027 ХАБ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиали МФО 01063 СТИР 207 122 519.

**Манзил:** Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар Баркамол авлод кўчаси, 19-уй.

**Телефон:** (76) 223-15-82.

**Расмий сайтимиз:** www.1kms.uz

*Хизматлар лицензияланган.*
*RR-0001-сонли лицензия.*

## ОБЪЯВЛЕНИЕ

Утерянный гос. ордер №05-02/7849 от 24.02.1993 года на право собственности на квартиру, оформленный на имя Стрельцовой Ольги Анатольевны, **считать недействительным.**

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
ijtimoiy-iqtisodiy gazeta Строитель Узбекистана

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

**Бош директор – Дилшод Жалолов**

**Таҳрир ҳайъати:**
Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси),
Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов,
Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

**Таҳририят:**
Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусаҳҳиҳ **Райҳон Таниқулова**

**«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:**
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,
«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси,
«ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**Таҳририят манзили:**
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:** 71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият), 71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** uzbunyodkori@umail.uz

**Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:**
**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича:** 90-278-95-87.
**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича:** 97-459-74-85.
**Самарқанд вилояти бўйича:** 95-560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-853.
2148 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 4 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**Корхона манзили:**
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – Д. Жалолов.
**Навбатчи** – Б. Гулямов.
ЎзА якуни – 23.55. Топширилди – 00.30.

1 2 3 4 5